БУТУН ДУНЬЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 75 (7522)
31 МАРТ ЖУМА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин.

БУГУНГИ СОНДА:

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН К(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА: СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарорини бажариш тадбирлари ҳақида (1 ва 2-нчи бетлар).

Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан маданият ва сан'ат ходимларини орден ва медаллар блан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (2-нчи бет).

Сон-саноқсиз табриклар (2-нчи бет).

Чигит экишни қисқа муддатда, юқори сифатли қилиб ўтказиш—пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг энг муҳим шартидир (3-нчи бет).

М. Муҳаммаджонов.—Чигитни барвақт экиш — пахтани эрта пишириш ва юқори ҳосил олишнинг гаровидир (3 ва 4-нчи бетлар).

Булғорияда Югославия жосуслари устидан суд (4-нчи бет).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ижтимоий ва иқтисодий кенгашининг транспорт ва алоқа масалалари блан шуғулланучи комиссиясида (4-нчи бет).

Шаҳарларимиз янада обод ва гўзал бўлсин

Совет ҳукумати, большевиклар партияси ва шахсан ўртоқ Сталин меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва уларнинг маданий савиясини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Сталинча бешйилликлар даврида мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, халқимизнинг турмуш шароити янада фаровон ва маданиятли бўлди. Обод, кўркам шаҳарлар, қишлоқ ва поёлкалар, мактаб ва клублар, кутубхона ва маданият уйлари, уй-жой бинолари, водопровод, телефон ва радио станциялари, кино-театрлар барпо этилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш давлат планининг 1949 йилда бажарилиш якунлари тўғрисида эълон қилинган ахбороти совет халқи эришган ажойиб ғалабалардан тўла далолат беради. 1946 — 1949 йиллар мобайнида шаҳарларда 72 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилди ва тикланди. Бундан ташқари, тўрт йил мобайнида қишлоқ жойларида 2,3 миллион уй-жой қурилди ва тикланди. Ўтган йили коммунал корхоналари тиклаш ва қуриш ҳамда шаҳарларни ва ишчи поёлкаларини обод қилиш соҳасида анчагина ишлар олиб борилди. 1946 — 1949 йиллар мобайнида шаҳарларда ва ишчи поёлкаларида 185 водопровод тикланди ва янгидан қурилди. 27 шаҳарда трамвай ва троллейбуслар қатнайбошлади. Квартираларни газ блан та'минлаш, шаҳар кўчалари ва майдонларига тош териш ҳамда асфальт ётқизиш, маданият ва истироҳат боғлари, боғ ва скверлар барпо этиш соҳасида катта ишлар қилинди.

Бундай қувончли фактларни ўз республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. 1949 йилда ҳарбири бирнеча юз хонали ва кўп қаватли 30 га яқин уй-жой бинои, 4 та катта мактаб, Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод ва бошқа шаҳарларда ишчилар шаҳарчалари, меҳмонхона, ҳаммом, мактаб ва бошқа бинолар қурилди. Айниқса Тошкент шаҳрида жуда кўп уй-жой бинолари қурилди, водопровод, канализация тармоқлари кенгайтирилди, кўча ва йўлкаларнинг кўп қисмига тош терилиб, асфальт қилинди. Бу йил Тошкент даволаш муассасалари ремонтига 15 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Уй-жойлар ремонтига 13,5 миллион сўм, даволаш муассасалари ремонтига 15 миллион сўм, водопровод, канализация ишларига тўрт миллион сўмга яқин маблағ сарфланади. Бундай тадбирлар республикамизнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам амалга оширилмоқда.

Мана бу фактлар совет ҳукумати, большевиклар партияси ва улуғ Сталининг халқимиз эҳтиёжлари ҳақида, шаҳар ва қишлоқларимизни гуллаб яшнатиш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Совет халқи ана шу сталинча ғамхўрликдан руҳланиб, шаҳарлар ва ишчи поёлкаларини янада обод, гўзал ва кўркам қилиш соҳасида олиб борилаётган ишларда актив қатнашмоқдалар. Шаҳарларни обод қилиш юзасидан бошланган социалистик мусобақага миллионларча меҳнаткаш қўшилди.

Самарқанд меҳнаткашлари ўз шаҳарларини обод этишда катта муваффақият қозондилар ва ободончилик юзасидан бошланган мусобақада голиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғини олишга эришдилар.

Баҳор бошланди. Ободончилик ишларини кучайтириб юбориш учун энг қулай фасл келди. Муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган бу ишни ҳозиранок қартарафлама қизитиб юбориш — бутун йил бўйи қилиниладиган ишларимизнинг муваффақиятини та'минлайди.

Кўпгина шаҳар ва район советлари бу соҳада дастлабки кунларданоқ ижобий натижаларга эришдилар. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳарни обод қилиш ойлиги ўтказмоқда. Бу ойлик бошлангандан буён 1 миллион туп дарахт кўчати ўтқазилди. Кўча ва паркларга экиш учун 6 миллион туп гул кўчати тайёрланди. Биринчи кварталда кўчаларга асфальт ётқизиш плани ошириб блан бажарилди. Шаҳардаги барча катта ва кичик ариқлар тозаланмоқда. Бу ойликда Москва, Сталин, Куйбишев районларининг меҳнаткашлари айниқса актив қатнашмоқдалар. Бироқ ба'зи район ижроия комитетлари бу муҳим ишга э'тиборсиз қараб келмоқдалар. Фрунзе, Киров, Октябрь ва Марказий районларда ариқлар, айрим кўчалар ва ҳовлилар тозаланмаган, бинолар ремонт қилинмаган. Бу районларнинг маҳаллий совет ташкилотлари ўзларининг жонажон ишларига нисбатан ана шундай мас'улиятсизлик блан қараб келмоқдалар.

Саноат корхоналари ободончилик ишларини намунали уюштириш учун ҳамма имкониятларга эга. Давлат кўп миқдорда маблағ ажратмоқда. Лекин айрим саноат корхоналарининг раҳбарлари бу муҳим ишга э'тиборсиз қарамоқдалар. Экскаватор заводи (директори ўртоқ Бенкиштат), Пом'ёмник, (директори ўртоқ Гончарев), «Ўзбексельмаш» (директори ўртоқ Журавлев) заводларининг ишчилар шаҳарчалари, завод ҳовлилари, кўчалар ифлос, ариқлар тозаланмаган, бинолар ремонт қилинмаган. Бу эса ана шу корхоналарнинг ма'муриятлари, партия ва касаба союз ташкилотларининг маданий-маиший ва ободончилик ишлари блан ёмон шуғулланаётганликларини кўрсатади.

Ба'зи маҳаллий совет ташкилотлари ободончилик ишларини навбатга суриб, унинг аҳамиятини яхшилашда ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини унутиб қўймоқдалар. Бухоро область, Вобкент районида ободончилик ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Кўчалар тозаланмайди, бинолар ремонт қилинмаган, ариқлар қазилмаган, йўллар тузатилмаган. Район ижроия комитети ободончилик ишларига кўпроқ э'тибор бериш ўрнига, бу тадбир учун ажратилган маблағларни қонунсиз равишда бошқа томонларга сарфлаган. Қизилтепа, Когон районларида ҳам аҳвоал шундай. Қизилтепа районида битта меҳмонхона бор. Район ижроия комитети бу бинони обод қилиш ва кенгайтириш ўрнига, уни район партия комитети секретарининг шоферига уй қилиб берган. Вобкент районида эса меҳмонхона бекитилиб, унинг ўрнига район маданий оқартув идораси кўчиб кирган. Когон шаҳар Совети жойлашган бинонинг атрофлари эса ифлос, бирнеча ойдан бери тозаланмайди. Бу фактлан шаҳар Советининг ободончилик ишлари блан қандай шуғулланаётганини аниқ билиб олиш мумкин.

Ободончилик масаласи биргина коммунал хўжалик ташкилотларининг иши бўлмай, балки барча министрликлар, хўжалик ташкилотлари, маҳаллий партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг ҳам энг муҳим ишларидан биридир. Партия ташкилотлари бу соҳага раҳбарлик ва назорат қилган жойларда яхши натижаларга эришдилар. Бу эса маҳаллий партия ташкилотларидан ободончилик масалаларига яна ҳам кўпроқ э'тибор беришни талаб этади. Ҳозир баҳор пайтлари, асосий э'тибор кўча ва майдонларни кўкламзор қилиш, парклар, скверлар, болалар майдонлари, спорт стадионларини ремонт қилиш, ариқ-зовурларни қазиш, кўчаларни, ҳовлиларни, ишчи шаҳарчаларни тозалаш, санитария ҳиҳатидан тартибга келтириш, маданий-оқартув муассасалари биноларини баҳор ва ёз давризаги ишларга тайёрлашга қаратилиши керак. Бу йил республикамизда қарийб 2 миллион туплан ортиқ дарахт кўчати ўтқазилди, вазифа ана шу ёш дарахтларни яхшилаб асраш ва улаонинг ёпиасига кўкариб кетишига эришишдан иборатдир.

Шаҳар ва районларни, ишчи поёлкалари ва қишлоқларни обод қилиш юзасидан энг мас'улиятли давр бошланди. Бу вазифани муваффақиятли бажариш маҳаллий совет ва партия ташкилотларининг ишчанлик қобилиятига боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Чайковский номидаги Ленин орденли Москва Давлат консерваториясининг ўқитучиларига «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган сан'ат арбоби» фахрий унвонини бериш тўғрисида

Ўзбекистон сан'атининг миллий кадрларини тайёрлаш ва тарбиялаш ишида кўрсатган хизматлари учун қуйидаги ўртоқларга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган сан'ат арбоби» деган фахрий унвон берилсин:

1. Агажанов Артем Петрович—Чайковский номидаги Москва Давлат консерваториясининг директорининг ўринбосари.
2. Белявская Дора Борисовна—педагог.
3. Васькова Ксения Ивановна—педагог.
4. Дружинин Иван Дмитриевич—педагог.
5. Енохович Евгений Владимирович — педагог.
6. Кожухова Мария Александровна — педагог.
7. Рафаилов Иосиф Артемьевич—ССР Иттифоқи Давлат Академик Большой театри ҳузуридаги хореография билим юртининг директори.
8. Руденко Алексей Максимович—педагог.
9. Рождественская Виктория Федоровна—педагог.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. НИЁЗОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
А. АБДУЛЛАЕВ.

18 март, 1950 йил. Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетида

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг „Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида" деб чиқарган қарорини бажариш тадбирлари ҳақида

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг колхозлар, машина-трактор станциялари ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги қарори Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ва айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни янада юксалтириш учун муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эгадир.

Иттифоқ ҳукуматининг колхозларни, совхоз ва машина-трактор станцияларини моддий-техника воситалари блан та'минлашда ғоят катта ёрдам берганлиги, совхоз, МТС ишчилари ва колхозчиларнинг меҳнат соҳасидаги ғайрати ва сиёсий активлиги ниҳоят ошганлиги натижасида, республиканинг кўпгина колхозлари, МТС ва совхозлари кўклам экишига тайёргарлик ишларини муваффақиятли тамомлаб, ҳозирги вақтда ер ҳайдашни ҳамда чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишни тез сур'атлар блан ялпи кучайтириб юбордилар.

Шу блан бирга, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети та'кидлайдиларки, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, айниқса Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд областьларининг партия ва совет ташкилотлари СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмасини қониқарсиз бажармоқдалар, шунинг натижасида мазкур областьларнинг кўпгина колхоз ва совхозларида кўклам экишига тайёргарлик кўриш ва кўклам дала ишларини ўтказишдаги жиддий камчиликлар то ҳозиргача тугатилмаган.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Ҳозирги вақтда партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар, МТС ва совхозларнинг энг муҳим вазифаси — кўкламги экишга тайёргарликни дарҳол тугаллаш ва барча қишлоқ хўжалик экинларини экишни уюшқоқлик блан ўтказишлан иборат» деб берган кўрсатмаларини сўзсиз бажариш мақсадида, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети **қарор қилдилар:**

1. СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарори амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

Область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорини колхозларда, машина-трактор станцияларида ва совхозларда кенг муҳокама қилишни уюштириш ва бу қарорни ҳарбир колхозчи, трактор-чи ва совхоз ишчисига етказиш мажбурияти юклатилсин.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорини муҳокама қилиш кўклам дала ишларини уюштиришлаги камчиликларни аниқлаш ва тугатиш ҳамда колхозлар, МТС ва совхозларнинг барча куч ва воситаларини кўклам экишини қисқа, агротехника жиҳатидан энг қулай муддатларда ҳамма ишларни юқори сифатли қилиб ўтказишга сафарбар этиш шиори остида ўтказилсин.

2. Кўпгина колхозларда, айниқса Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё областларида, ишлабчиқариш планлари, кирим-чиқим сметалари тузиш, далачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларига ишлабчиқариш топшириқлари бериш йўл қўйиб бўлмаслик даражада суралиб қолди.

Ба'зи колхозларда коллектив меҳнатнинг асосий шакли бўлган ишлабчиқариш бригадасини, техника экинлари экучи колхозларда эса бригадалари звеноларни мустаҳкамлаш тадбирлари шу чоққача кўрилмаган. Ишлабчиқариш бригаларига ер участкалари, қишлоқ хўжалик асбоблари ва от-уловлар биркитиб қўйилмаган.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) колхозларда ишлабчиқариш планлари, кирим-чиқим сметалари тузиш, далачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларига йиллик ишлабчиқариш топшириқлари бериш ишларини 1950 йил 5 апрелдан кечиқмай тамомлаш учун зарур тадбирлар кўрилсин, агрономлар, зоотехниклар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа чўтахассислари кучи блан колхоз правлениеларига ёрдам берилсин, бу ишда колхозчилар актив қатнаштирилсин;

б) ҳарбир колхозда қишлоқ хўжалик экинларини қабул қилинган алмашлаб экиш тартибига ва унга ўтиш планларига мувофиқ тўғри жойлаштириш та'минлансин;

в) колхозда меҳнатни уюштиришнинг асосий шакли бўлган доимий ишлабчиқариш бригадасини, техника экинлари экучи колхозларда эса бригадаларга звеноларни янада мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилсин. Ҳамма ишлабчиқариш бригадаларига ер участкалари, қишлоқ хўжалик асбоблари ва от-уловлар дарҳол биркитиб берилсин, иккинчи даражали ишлардан бўшатиш, шунингдек колхознинг ма'мурий-идора аппаратини камайтириш ҳисобига бригадалар состави ишчи кучлар блан тўлғазилсин. Бригада бошлиқлари состави энг тажрибали ва қобилиятли ташкилотчилар блан мустаҳкамлансин.

3. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига, Қишлоқ хўжалик министрлигига, область партия комитетларига ва область ижроия комитетларига барча пахта майдонларини контрактация қилишни 5 кун муддат ичида тамомлаш ва колхозларга пул авансларини ўз вақтида бериш мажбурияти юклатилсин.

Ўзбекбирлашув зиммасига колхозлар томонидан топширилалиган пахта учун берилаётган галла ва бошқа молларни ташиб келтириш ҳамда колхозларга сотишни, колхоз правлениеларига эса колхозчиларнинг ишлаган меҳнат кунларига қараб авансларни ўз вақтида беришни та'минлаш мажбурияти юклатилсин.

4. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ижроия комитетлари ва область партия комитетлари қолоқ колхозларга ёрдам бериш ҳамда уларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш тадбирларини қалигача кўрганлари йўқ, шунинг натижасида бу колхозларда кўклам экишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қониқарсиз бормоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети буни мутлақо нотўғри деб ҳисоблайдилар.

Қишлоқ хўжалик органлари, партия ва совет ташкилотлари қолоқ колхозларга ёрдам бериш тадбирлари фақат уларга моддий-техника воситалари ажратишдан иборат деб биладилар, ваҳолонки бу колхозларни кадрлар блан мустаҳкамлаш, уларда меҳнатни тўғри уюштириш ва бу колхозлардаги ҳамма имкониятлардан фойдаланиш юзасидан жиддий иш олиб бормаётирлар. Бу — нотўғридир.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Сув хўжалиги министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига қолоқ колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш юзасидан ҳарҳол тегишли тадбирлар кўраш мажбурияти юклатилсин.

Қолоқ колхозларни мустаҳкамлаш тадбирларини ишлаб чиққан вақтда, асосан, бу колхозларнинг ўзларидаги меҳнат ва моддий-техника имкониятларидан унумли фойдаланиш, оғир ишларни янада кўпроқ машиналаштириш, колхозчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш унумини ошириш кўзда тутилсин, шунингдек қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш ҳолларига қарши курашишни кучайтириш зарурлиги кўзда тутилсин.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари қолоқ колхозларнинг ишини бутун йил давомида доим назорат қилиб турсинлар.

5. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, область ва районларидаги партия ва совет ташкилотларининг, айниқса Самарқанд область колхозларида дон экиш ишларини ўз вақтида тугаллашни та'минламаганликлари қайд қилиб ўтилсин. Қанд лавлаги экиш қониқарсиз уюштирилган ва бошқа техника ҳамда сабзавот экиплари экишга ҳалигача киришилмаган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ерларни чигит экишга тайёрлаш ва чигит экишни кучайтириб юбориш мутлақо қониқарсиз эканлигини уқириб ўтадилар. Чигит экиладиган ерларни ҳайдаш юзасидан белгиланган топшириқ республика бўйича 25 мартгача 77 процент бажарилган. Бухоро ва Самарқанд областьларининг колхозларида бу ишлар ёмон ўтказилмоқда. Бу областьларда пахта майдонларининг фақат 30 процента чигит экишга тайёрланган, бу ҳол мазкур областьларда чигит экишни ўз вақтида тамомлашни жуда қийинлаштириши мумкин. Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда қишлоқ хўжалик ишлари айниқса қониқарсиз олиб борилмоқда.

Об-ҳаво шароити қулай келиб, чигит экишни тез сур'атлар блан олиб бориш имконияти туғилганига қарамай, кўпгина колхозлар ана шу имкониятдан фойдаланмаётирлар, ба'зи ҳолларда эса, масалан, Фарғона областининг колхозларида чигит экиш сун'ий равишда кечиктирилмоқда. Бухоро ва Қашқадарё областлари чигит экиш юзасидан белгиланган графикни бажармадилар. Республикада баҳоги ва шартли суғориладиган ерларда чигит экишга мутлақо киришилмаган.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Совхозлар министрлигига, область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) бошоқли дон экинлари ва мойли ўсимликлар экиш яқин кунларда тамомлансин;

б) қанд лавлаги экишни тамомлаш, канап ва жутни белгиланган муддатларда экиш тадбирлари кўрилсин, шунингдек колхозларда тамаки ва сабзавот экишга тайёргарлик кучайтириб юборилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигидан, Самарқанд, Бухоро, Хоразм область ижроия комитетлари ва область партия комитетларидан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область партия комитетидан чигит экиладиган ерларни ҳайдашдаги қолоқликни тугатиш талаб қилинсин;

в) ерларни чигит экишга тайёрлашни кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўрилсин. Айрим колхоз ва МТС раҳбарларининг тайёрланган ерларни қайта ҳайдашга берилиб кетиш майллари чигит экишни кечиктиришга ва пахта ҳосилини камайтиришга сабаб бўлаётган нотўғри ҳаракат деб қоралансин. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига ерни қайта-қайта ҳайдашга йўл қўймаслик, кузда шудгор қилинган ерларни тайёрлаган вақтда боронлаган ва чизеллаш усулидан кенг фойдаланиш таклиф этилсин.

6. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Совхозлар министрлигига, область ижроия комитетларига ва область партия комитетларига, район ижроия комитетлари ва район партия комитетларига, МТС ва совхоз директорларига чигит экиш графигини бажариш юзасидан ҳамма тадбирларни кўриш, барча колхоз ва совхозларда чигит экишни кучайтириб юбориш, ҳамма трактор ва от сеялкаларини ишга солиш, чопиқ тракторлари блан кунига камида 10 — 12 гектар ва от сеялкалари блан камида 1,5 гектар чигит экишни та'минлаш мажбурияти юклатилсин.

7. Ўтган йиллари экиш вақтида чигитни тўла ва текис ундириб олиш ва ғўзаларни биринчи марта парвариш қилиш юзасидан иш олиб борилмади, бу ишларни уюштиришга чигит батамом экилиб бўлгандан кейингина киришилди, чигитни ундириб олиш учун курашда экиш блан ундириб олиш ўртасида зарарли ажралишга йўл қўйилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети область ва район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларини, колхоз, МТС ва совхоз раҳбарларини ўтган йиллардаги ана шу хатоларнинг такрорланишига йўл қўйиш мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳлантирадилар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Совхозлар министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига чигит экиш блан бир вақтда чигитни ҳамма жойда текис ундириб олиш ишларини уюштириш мажбурияти юклансин.

8. Беда экиш жуда қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин, бу ҳол алмашлаб экишни ўзлаштириш ва жамоат чорвачилигини ем-хашак блан та'минлашда беданинг аҳамиятига ҳали ҳам етарли баҳо берилмаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларига барча колхозларда беда экишни яқин кунларда тамомлаш, бедани дон блан аралаштириб эккан вақтда дон нормасини ошириб экиш ҳолларига йўл қўйилмасин. Бедани парвариш қилиш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва уларни амалга оширишга киришилсин, шунингдек уруглик участкаларини ўз вақтида ажратиш та'минлансин.

9. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, МТС ва совхоз директорлари, область ва район партия ҳамда совет ташкилотлари тракторларнинг унумли ишлашини та'минламаганликлари қайд қилиб ўтилсин, шунинг натижасида ер ҳайдаётган тракторларнинг иш унуми республика бўйича ўрта ҳисобда бир кечаю-кундузда нормадаги 4 — 5 гектар ўрнига 2,5 гектардан ошмайди, иш яхши уюштирилмаганлиги ва тракторларнинг тез-тез бузилиб туриши натижасида улар кўп вақт бекор туради.

Кўпгина МТС ва совхозларда тракторларнинг икки сменада ишлаши то ҳозиргача йўлга қўйилмаган, трактор бригадалари айниқса янги олинган дизельли тракторлар тракторчилар блан та'минланмаган, кўчма устахоналардан далада трактор бригаларига техника ёрдами бериш учун яхши фойдаланилмаётир.

Тракторчилар учун маиший шароит яратиб бериш ва, шунингдек тракторчилар ва механиклар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ҳамда социалистик мусобақани кучайтириб юбориш ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Совхозлар министрлигига, МТС ва совхозларнинг директорларига ер ҳайдаш ва чигит экишда тракторлар ишида юз берган юқоридаги жиддий камчиликларни қисқа муддатда тугатиб, қуйидагиларни та'минлаш мажбурияти юклатилсин:

а) МТС ва совхозлардаги мавжуд ҳамма тракторлардан дала ишларида тўла фойдаланилсин. Тракторларнинг иши тартибга солинсин, ерлар тайёрланмаганлигига ва бошқа хил сабаблар блан тракторларнинг ўринсиз жойдан-жойга кўчиб юришига ва бекор туришига йўл қўйилмасин. Ер ҳайдаш ва чигит экишда тракторларнинг бекор туришига йўл қўйган конкрет айбдорлар қатиқ жавобгарликка тортилсин;

б) барча трактор бригадалари 5 кун ичида тегишли тракторчилар блан та'минлансин ва икки сменада ишлаш йўлга қўйилсин, тракторларни кечаси ишлатишга алоҳида э'тибор берилсин. Кечаси ишлаш учун энг тажрибали тракторчилар белгилансин, тракторлар чироғ блан, тракторчилар эса иссиқ кийим блан та'минлансин, кечаси трактор бригадаларига техника ёрдами кўрсатиш кучайтирилсин;

в) трактор бригадаларининг ишини, айниқса кечалари яхши назорат қилиб туриш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида, шундай тартиб ўрнатилсинки, МТС, совхоз ва колхоз раҳбарларидан бири кечалари доим трактор бригадасида бўлсин; бу ҳолимларга тракторларнинг тўхтовсиз ишлаши ва уларнинг иш сифати устидан назорат қилиш жавобгарлиги юклатилсин;

г) далада ишлаётган тракторларга ёнилғи ва машина мойини тўхтовсиз келтириб туриш та'минлансин, МТС базаларида 15 кунлик доимий запас бўлсин.

Главнефтесбитнинг Ўзбекистон конторасига тракторларнинг нормал ишлаши учун зарур миқдорда ёнилғи ва машина мойини ҳамма нефть базаларига тўхтовсиз келтириб туриш мажбурияти юклатилсин;

д) МТС ва совхозларда барча кўчма устахоналарни 5 кун ичида тайёрлаб қўйилсин, ҳамма кўчма устахоналардан ва сафарбар қилинган автотранспортдан далада тракторларга техника ёрдами бериш учун тўғри фойдаланилсин.

10. Область ва район партия комитетларига, МТС ва совхоз директорларига, МТС директорларининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосарларига, МТС ва совхоз бошлангич партия ташкилотлари секретарларига МТС ва совхозларнинг тракторчилари, механиклари ва ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, далада ишлаётган тракторчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратиб бериш, шунингдек ер ҳайдаш ва чигит экишда смена нормаларини тўла ҳамда ошириб бажариш учун тракторчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг кучайтириб юбориш мажбурияти юклатилсин.

11. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ерларни чигит экишга тайёрлаш ва чигит экишда дала ишлари бошланган дастлабки кундардаёқ агротехника қоидаларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилаётганлигини сра кечирилмаслик ҳол деб ҳисоблайдилар. Кўпгина колхозларда ер чимқирқарсиз 10 — 12 сантиметр чуқурликда чала ҳайдалмоқда, чигитни тайёрлашда ва экишда агротехника қоидалари бузилмоқда.

Лекин қишлоқ хўжалик органлари, партия ва совет ташкилотлари бундай бузилишларни йўқотиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш тадбирларини кўрмаётирлар. Район қишлоқ хўжалик бўлимлари ва МТСларидаги агрономия ходимлари давлат назоратчиси сифатида ўзларига берилган ҳуқуқдан фойдаланмай келмоқдалар. Дала ишларининг сифатига бу хилда э'тиборсиз қараш пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилига катта зарар етказиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, район қишлоқ хўжалик бўлимларининг мудирлари, МТС ва совхоз директорлари, шунингдек область ва район ижроия комитетлари, область ва район партия комитетларидан ер ҳайдаш ва чигит экишда агротехника қоидаларини бузиш ҳолларига қат'иян хотима бериш, дала ишларининг сифатини доим назорат қилиб туриш, айбдорларга қаттиқ жазо бериш талаб этилсин. Дала ишларини юқори сифатли қилиб ўтказишда МТС агрономия-ишлабчиқариш участкаларининг роли ва қишлоқ хўжалигидаги барча мутахассисларнинг жавобгарлиги оширилсин. Яхши ишламаган ерларга чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экиларини экишга йўл қўйилмасин.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг „Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида" деб чиқарган қарорини бажариш тадбирлари ҳақида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

12. Наманган, Андижон ва Самарқанд областьларидаги кўпгина колхозларда чигит экиладиган ерлар фосфорли ўғитлар солинмай қайдалаётганлигини ва шу блан бирга бу ўғитларнинг талай қисми Сельхозснаб омборларидан ташиб олинмаганлигини та'кидлаб, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ижроия комитетларига ва область партия комитетларига фосфорли ўғитларни Сельхозснаб омборларидан яқин фурсатда тамомила ташиб олиб, ер ҳайдаш вақтида улардан тўла фойдаланиш мажбурияти юклатилсин. Шу блан бирга, маҳаллий ўғитларни далага чиқариш ва ерга солишни кучайтириш юзасидан дарҳол тегишли тадбирлар кўрилсин.

Чигит экиладиган ерларнинг фосфорли ўғит ёки маҳаллий ўғит солинмасдан қайдалишига йўл қўйилмасин.

13. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети та'кидлайдиларки, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, область ва район партия ва совет ташкилотлари, айниқса Хоразм, Бухоро, Тошкент областьлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги партия ҳамда совет ташкилотлари ирригация-мелиорация ишлари юзасидан белгиланган топшириқларни бажармадилар, бу эса шу областьларда чигит экишни кечиктиришга сабаб бўлмоқда. Янги ўзлаштириладиган сувли ерларни тайёрлаш ишлари ҳам қониқарсиз олиб борилмоқда. Қўриқ ерларни ҳайдаш плани 25 мартгача фақат 37 процент, Бухоро областида 22 процент ва Хоразм областида 16 процент бажарилган, холос. Қўриқ ерларнинг 32 процентга ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрланган, янги ерларда эса бу иш ҳали бошланмаган.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига, Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ижроия комитетларига ва область партия комитетларига ирригация-мелиорация ишларини тамомлаш юзасидан дарҳол қўшимча тадбирлар кўриш, шунингдек қўриқ ерларни ва янги ўзлаштириладиган ерларни хўжалик жиҳатидан ўзлаштиришни қат'ият кучайтириш мажбурияти юклатилсин.

Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда шўр ерларни ювиш чидаб бўлмаслик даражада орқада қолаётганлиги, бу ҳол эса чигит экиш муддатларининг барбод этилишига сабаб бўлиши мумкинлиги та'кидланиб, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига, Қишлоқ хўжалик министрлигига, Хоразм область ижроия комитети ва область партия комитетига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Қорақалпоғистон область партия комитетига тегишли тадбирлар кўриш ва шўр ерларнинг белгиланган муддатда сўзсиз ювилишини та'минлаш мажбурияти юклатилсин.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, Бухоро область ижроия комитети ва область партия комитети 14 минг гектар шўр ерни 5 апрельгача ювиб, 75 минг гектар ерни ҳайдаш олдидан суғоришни та'минласинлар.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига Бухоро областини етарли миқдорда сув блан та'минлаш мажбурияти юклатилсин.

14. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кўчириш бошқармаси, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларининг янги суғорилаётган ерларга ва камқувват колхозларга колхоз хўжаликларини кўчириб келтириш ва кўчиришни тугаллаш ишлари блан мутлақо қониқарсиз шуғулланаётганликлари қайд қилиб ўтилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кўчириш бошқармасидан, Қишлоқ хўжалик министрлигидан, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларидан ҳукумат томонидан белгиланган муддатларда колхоз хўжаликларини кўчириб келтириш ва кўчиришни тугаллаш ишларини уюштириш юзасидан дарҳол зарур тадбирлар кўриш талаб этилсин. Шу блан бирга, кўчирилган хўжаликлар учун уй-жойлар, хўжалик иморатлари қуриш ва уларнинг маиший шароитларини яхшилашга алоҳида э'тибор берилсин, шу блан кўчиб келган хўжаликларнинг шу жойларда ўрнашиб қолишлари та'минлансин.

15. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети та'кидлайдиларки, оталиқ қиладиган шаҳар саноат корхоналари, муассаса ва ташкилотлар ўтган йили колхоз ва МТСларга дала ишларини ўтказишда ҳамда уларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашда катта ёрдам бердилар, лекин бу йил ана шу иш ҳозиргача уюштирилмаган.

Область ижроия комитетлари ва шаҳар ижроия комитетларига, область ва шаҳар партия комитетларига кўклам дала ишларини ўтказишда шаҳарлардаги саноат корхоналари, илмий-текшириш ва бошқа муассасаларнинг МТС ҳамда колхозларга оталиқ ёрдами беришда актив иштирок қилишларини та'минлаш мажбурияти юклатилсин.

16. Республиканинг саноат корхоналари қишлоқ хўжалик машиналари, айниқса чизель ва бороналар, шунингдек трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар тайёрлаш юзасидан берилган топшириқни қониқарсиз бажараётганликларини қайд қилиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон Давлат план комиссиясига ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг машинасозлик бўлимига ҳарбир саноат корхонасининг қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар ишлабчиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни яқин вақт ичида бажаришини та'минлайдиган тадбирлар ишлабчиқиш топширилсин.

☆

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети қисоблайдиларки, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарори республика партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органлари, шунингдек барча қишлоқ хўжалик мутахассислари зиммасига кўкламда чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишга яхши тайёрланиш ва уни агротехника жиҳатидан юксак савияда ўтказиш юзасидан катта мас'улият юклайди.

Катта давлат аҳамиятига эга бўлган бу вазифани амалга ошириш учун, партия ташкилотлари колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни қартарафлама кучайтиришлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун колхозчилар, МТС ва совхоз трактористлари ҳамда ишчилари ўртасида социалистик мусобақани кенг кучайтириб юборишлари лозим. Коммунистлар ва комсомоллар колхозчиларнинг ва қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнат соҳасидаги ташаббуси ва сиёсий активлигига бошчилик қилишлари, ҳамма мавжуд моддий техника ва бошқа имкониятлардан тўла ва тўғри фойдаланиш асосида 1950 йилда пахтадан ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишни та'минлашлари керак.

Сон-саноқсиз табриклар

Ўртоқ Сталиннинг 70 ёшга тўлганлиги муносабати блан унга сиҳат-саломатлик ва узоқ йиллар умр тилаб, самимий истакларини изҳор қилиб, қуйидаги ташкилотлар табрикномалар юборидилар:

Ростокин камволь-оҳарлаш фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

ССР Иттифоқи Ташқи савдо институтининг студентлари, профессорлари, ўқитувчилари, ишчи ва хизматчилари;

Липецк тиқувчилик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Мичуринск шаҳри алоқа ходимларининг коллективи;

«Криववассруда» трестига қарашли Ильич номли шахта бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг коллективи;

Клайпеда целлюлоза-қоғоз комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

СССР Балиқ саноати министрлигига қарашли Ростов-Дон балиқ заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Кемерово область, Осинники шаҳридаги 4-нчи шахта кончилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг коллективи;

Озарбайжон ССР, Ленкоран чой қадоқлаш фабрикасининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари;

Ғарбий темир йўлдаги Молоденно станцияси ходимларининг коллективи;

Киев шаҳар оболончилик бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Румониядаги совет элчихонасининг ходимлари;

Бўз ўғриқлари Ленинград илмий-текшириш институти ходимларининг коллективи;

Эстония ССР, Тартумас уездидаги «Лахерана» колхозининг а'золари;

Львов ветеринария институтининг студентлари, профессор-ўқитувчилари, ишчи ва хизматчилари;

Саратов областидаги «Сопзем-леспе» совхози ишчилари, мутахассислари ва хизматчиларининг коллективи;

Одесса областидаги Красно-Окнянск МТСининг трактористлари, комбайнчилари, ишчилари ва хизматчилари;

Саратов областидаги «Александровский» совхози ишчи ва хизматчиларининг коллективи;

ВЦСПСга қарашли Бердск сил касаллар санаторияси ходимларининг коллективи;

Чита областидаги Калганск МТСи ишчилари, мутахассислари ва хизматчиларининг коллективи;

Вильнюс Марказий телеграфининг ходимлари;

«Социалистический Донбасс» газетаси редакцияси ходимларининг коллективи;

Иркутск кон округи бошқармаси ходимларининг коллективи;

И. В. Сталин номидаги Ленин орденли Ленинград металл заводи ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларининг коллективи;

(Табриклар рўйхатининг давоми газетамизнинг келгуси сонида босилади).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'ат ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида *)

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилганига йигирма беш йил тўлиши муносабати блан ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'атни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари учун мукофотлансин:

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

876. **Ҳайдаров** Раҳмат — Булунғур районидаги Сталин номли колхозининг бригада бошлиғи.

877. **Ҳайдаров** Саидазим — Қува районидаги «Байналмилал» колхозининг раиси.

878. **Ҳайдарова** Ёқутхон — Сталин районидаги Карл Маркс номли колхозининг а'зоси.

879. **Хайкин** Александр Моисеевич — «Ўзбеквино» трестининг агрономи.

880. **Ҳакимов** Беймоқ — Оҳангарон районидаги Чапаев номли колхозининг раиси.

881. **Ҳакимов** Мамажон — Поп районидаги 1-нчи МТСнинг старший агрономи.

882. **Ҳакимов** Мухтор — Ўзбекистон К(б)П Сариосиё район комитетининг секретари.

883. **Ҳакимов** Ямин — Тошкентдаги Ильич номли заводнинг мастери.

884. **Ҳакимова** Му'табар — Қўқон район ижроия комитети соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

885. **Ҳақназаров** Эшназар Дўстназарович — Ички ишлар министрлиги Хоразм область бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

886. **Ҳақкулов** Маматқул — Ўргут районидаги Мирзақишлоқ қишлоқ советининг раиси.

887. **Холиев** Жўма — Денов районидаги 1-нчи МТСнинг трактористи.

888. **Халилов** Қўчқор — Наманган районидаги Жданов номли колхозининг а'зоси.

889. **Халилова** Мавлуда — Наманган-даги 15-нчи ўрта мактабнинг ўқитувчиси.

890. **Холиқов** Маҳаммад — Пойариқ район ижроия комитети сув хўжалиқ бўлимининг бошлиғи.

891. **Холиқов** Турғун — Норин районидаги Сталин номли колхозининг раиси.

892. **Холиқов** Шокир — Чинобод район ижроия комитети қишлоқ хўжалиқ бўлимининг бошлиғи.

893. **Холиқова** Мар'ям Ғаблурафиқовна — Чирчиқ электрохимия комбинатининг ишчиси.

894. **Холиқова** Ҳайриҳон — Давлат план комиссиясининг старший инспектори.

895. **Халимов** Абдуазиз — Ўзбекистон К(б)П Шаҳрисабз район комитетининг секретари.

896. **Холматов** Абдуҳаким — «Средазэнергомонтаж» трести установаларининг темирчиси.

897. **Холматов** Эргаш — Ўзбекистон К(б)П Қорақишлоқ район комитетининг биринчи секретари.

898. **Холматов** Умарали — Сталин район тўқимачилик саноати совхозига қарашли «Социализм» артелининг тўқувчиси.

899. **Ҳамдамов** Раффор Сатторович — Ўзбекистон К(б)П Самарқанд шаҳар комитетининг секретари.

900. **Ҳамдамов** Мирзали — Фарғона область қишлоқ хўжалик банки конторасининг бошқарувчиси.

901. **Ҳамзаев** Миралим — Молотов район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири.

902. **Ҳамзахўжаева** Тиллахон — Косон район ипакчилиқ конторасининг мудири.

903. **Ҳамидов** Қиргизбой — Марҳамат районидаги Сталин номли колхозининг бригада бошлиғи.

904. **Ҳамидов** Мансур — Ўзбекистон К(б)П Самарқанд район комитетининг секретари.

905. **Ҳамидов** Файзулла—Давлат ҳарф-сизлиги министрлиги Хоразм область бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

906. **Ҳамроев** Карим — Андижон область ижроия комитети маданий-оқартув муассасалари бўлимининг мудири.

907. **Ҳамроқулов** Раҳмонқул—Хўжаобод район ижроия комитети сув хўжалиги бўлимининг техниги.

908. **Ханафиев** Ҳамдам—Чинобод районидаги Энгельс номли колхозининг бригада бошлиғи.

909. **Хонбуданов** Жумшуд Гусейнович — Қамаши районидаги 1-нчи МТСнинг директори.

910. **Хонов** Али Каримович — СССР Тайёрлов министрлигининг Калинин районидаги вакили.

911. **Харитонов** Петр Степанович — Самарқанд область ижроия комитети давлат арбитражининг бош арбитри.

912. **Харротов** Матёсуф—Композитор.

913. **Харченко** Клавдия Васильевна—Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг сектор мудири.

914. **Харьковский** Сергей Алексеевич — Тошкент шаҳар ижроия комитети план комиссиясининг раиси.

915. **Ҳасаналиев** Эрмат—Оқтўбобоев районидаги 2-нчи МТС директорининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари.

916. **Ҳасанов** Абдукарим — Бекобод районидаги 3-нчи «Далварзин» совхозининг тракторчиси.

917. **Ҳасанов** Карим Ҳасанович—СССР Давлат озиқ-овқат ва молдий резервлар министрлиги Ўрта Осиё территориал бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

918. **Ҳасанов** Раҳим—Куйбишев районидаги Зодиён қишлоқ советининг раиси.

919. **Ҳасанов** Солижон—Фарғона область матлубот жамияти союзи правлениесининг раиси.

920. **Ҳасанов** Фаттоҳ — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги партия мактабининг ўқучиси.

921. **Ҳасанов** Йўлчи—Олтинкўл районидаги Жалабек қишлоқ советининг раиси.

922. **Ҳатамов** Турсун — Ўзбекистон ЛКСМ Фарғона область комитетининг секретари.

923. **Ҳафизов** Қаноат—Жомбой районидаги «Оқолтин» колхозининг бригада бошлиғи.

924. **Хациревич** Нуда Хаймович — Тўғон қурилиши участкасининг бошлиғи.

925. **Хачатурьян** Валентин Персесович —Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети транспорт бўлими мудирининг ўринбосари.

926. **Ҳошимов** Мутал—Тошкент шаҳар 1-нчи юқумли касалликлар касалхонасининг бош врачи.

927. **Ҳошимова** Поила Мирсаитовна—Навоий номли ўзбек опера ва балет театрининг артисти.

928. **Хидиров** Нурбек—Пайариқ район ипакчилиқ конторасининг мудири.

929. **Ҳикматуллаев** Не'мат—«Средазшахтопроект» трестининг старший инженери.

930. **Ҳикматуллаев** Не'матулла—Давлат хавфсизлиги министрлигининг ходими.

931. **Ҳўжаев** Баҳром—Марғилон ипакчилиқ комбинатининг смена бошлиғи.

932. **Ҳўжаева** Мунавар Нуриддиновна — Ўзбекистон ЛКСМ Урганч шаҳар комитетининг секретари.

933. **Хожибеков** Тожибой — Сирдар'ё районидаги Жданов номли колхозининг раиси.

934. **Ҳўжахонов** Абдулла Тожиевич — Республика «Ўқитувчилар газетаси» газетасининг мас'ул муҳаррири.

935. **Холиев** Нурмат—Жарқўрғон районидаги 2-нчи МТС нинг механиги.

936. **Холматов** Абдурахмон—Горский районидаги Орженикидзе номли колхозининг раиси.

937. **Хордас** Борис Ефимович — «Главхимсбит» Тошкент конторасининг бошқарувчиси.

938. **Худойберганов** Шосаид—Кўқабулоқ районидаги «Янги турмуш» колхозининг ферма мудири.

939. **Худойбердиев** Не'мат — Қашқадар'ё область «Қашқадар'ё ҳақиқати» газетаси босмахонасининг ҳарф теручиси.

940. **Худойбердиев** Шоим — Ўзбекистон К(б)П Мираки район комитетининг секретари.

941. **Худойназаров** Карим — Норпой районидаги «8 Март» колхозининг раиси.

942. **Хўжамбердиев** Султон—Избоскан районидаги 1-нчи МТС нинг слесари.

943. **Хўжаёрова** Турсун—Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи.

944. **Хурбоев** Комилжон—Ворошилов районидаги Султонобод қишлоқ советининг раиси.

945. **Хусаинов** Карим—Нурота район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бошлиғи.

946. **Хуснидинова** Гулсум Аҳмединовна—Ўзбекистон К(б)П Хонқа район комитетининг инструктори.

947. **Хушимов** Намоз—Иштихон районидаги Калинин номли колхозининг раиси.

948. **Цибизова** Анна Ивановна—Тошкентдаги кечки марксизм-ленинизм университетининг директори.

949. **Циркунов** Михаил Григорьевич—Сирдар'ё район ижроия комитети раисининг ўринбосари.

950. **Цой** Вера—Бекобод районидаги «Бургун Сахалин» колхозининг бригада бошлиғи.

951. **Цхай** Владимир Васильевич — Каттақўрғон район қишлоқ хўжалик бўлимининг бош ветеринария врачи.

952. **Чанишев** Ҳайдар Рустамович — Гўшт ва сут саноати министрлигининг бўлим мудири.

953. **Чеботарева** Нина Андреевна — Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ходими.

954. **Чепкунов** Фарид Орифович — Фарғона область ипакчилиқ конторасининг агрономи.

955. **Черемишев** Минниҳат Абдуллаович — Ғузор МТСининг механиги.

956. **Черняев** Григорий Матвеевич — Автомобиль транспорти ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси.

957. **Чередниченова** Варвара Акимовна—Самарқанддаги шойи тўқув фабрикасининг ишақ ўровчиси.

958. **Черемовская** Елизавета Павловна — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Октябрь район Совети ижроия комитетининг машинистка-си.

959. **Чепурнов** Павел Степанович — «Гидроэнергопроект» трести Ўрта Осиё бўлими сув чиқариш узеллари ишшоотлари секторининг бошлиғи.

960. **Чепкунов** Ҳанафи Халилович — Ўзбекистон К(б)П Когон район комитетининг бўлим мудири.

961. **Чигиринцев** Алексей Федорович—Тошкентдаги 3-нчи нон заводи партия ташкилотининг секретари.

962. **Чижиков** Владимир Дормидонтович — Сирдар'ё районидаги 1-нчи машина-экскаватор участкасининг бригада бошлиғи.

963. **Чилмухамедов** Саид — меҳнаткашлар депутатлари Ворошилов район Совети ижроия комитетининг раиси.

964. **Чиргадзе** Николай Михайлович — Министрлар Совети группасининг бошлиғи.

965. **Чўлпонов** Абдуқодир — Косон районидаги «Коммуна» колхози партия ташкилотининг секретари.

966. **Чумаченко** Степан Семенович — Мирзачўл районининг участка гидротехниги.

967. **Чупринко** Алексей Харлампиевич — Қашқадар'ё область алоқа конторасининг бошлиғи.

968. **Шабалина** Зоя Ефимовна — «Ўзбекбирлашув»нинг бўлим бошлиғи.

969. **Шабуров** Аршавир Огажонович—Тошкент шаҳар Москва район ижроия комитети молия бўлимининг мудири.

970. **Шоқиров** Ҳошим — Олтиариқ МТС устаханасининг мудири.

971. **Шоматов** Ҳуйқул—Шўрчи районидаги Сталин номли колхозининг старший чўпони.

972. **Шомирзаев** Абдували — Тошкент шаҳар, Куйбишев район ижроия комитети соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

973. **Шомирзаева** Ҳабиҳон — Чинобод районидаги Охунбобоев қишлоқ советининг раиси.

974. **Шамраев** Иван Петрович — Автомобиль транспорти министрлиги Андижон автомобиль базасининг шофери.

975. **Шапов** Михаил Антонович — Каганович район ижроия комитети сув хўжалиқ бўлимининг бошлиғи.

976. **Шаропова** Ҳулоса — Ойим район касалхонасининг бош врачи.

977. **Шарафиддинов** Шайҳиддин — Давлат хавфсизлиги министрлиги Андижон область бошқармасининг ходими.

978. **Шарипов** Саид — Бухоро область ижроия комитетининг бўлим мудири.

979. **Шарипов** Рўзи — Ўзбекистон К(б)П Шофирқон район комитетининг секретари.

980. **Шарипов** Отажон — қурилиш бошқармасининг мих ясовчи ишчиси.

981. **Шарипова** Моҳира — Вобкент район ижроия комитетининг бўлим мудири.

982. **Шарипов** Жаббарберган—Хонқа район ижроия комитети социал-та'минот бўлимининг мудири.

983. **Шарипов** Ҳайдар — Свердлов район ижроия комитети қишлоқ хўжалиқ бўлимининг асаларичиси.

984. **Шафиқов** Ғалимзян Ҳусаинович — Фарғона область давлат страхованиеси бошқармасининг бошлиғи.

985. **Шахмаев** Губай Абдуллович — Ички ишлар министрлиги Бўка район бўлимининг бошлиғи.

986. **Шахнович** Яков Юдович — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг инструктори.

987. **Шахов** Петр Федорович — Ўзбекистон К(б)П Наманган область комитетининг бўлим мудири.

988. **Шаяхмедова** Фарида Исҳоқовна—Бувайда район ижроия комитетининг секретари.

989. **Шевелев** Владимир Васильевич—Тошкент область ижроия комитетининг юристконсульти.

990. **Шайдулин** Берлик Алекберович—Ўзбекистон К(б)П Қамаши район комитетининг секретари.

991. **Шералиев** Ҳудойқул — Пастдарғом районидаги Сазагон қишлоқ советининг раиси.

992. **Шестаков** Алексей Михайлович—Горький номли давлат рус драма театрининг артисти.

993. **Шинкаренко** Григорий Васильевич — Чоржўй-Урганч темир йўли қурилиши бошқармаси 2-нчи участкасининг бош механиги.

994. **Шквалов** Иван Павлович —Совет Армияси Туркистон Ҳарбий Округи театрининг артисти.

995. **Шиурко** Афанасий Нестерович—«Средазэлектромонтаж» трестининг инженери.

996. **Шманцарий** Андрей Владимирович — Сурхондар'ё область алоқа конторасининг бошлиғи.

997. **Шнирева** Пелагия Георгиевна — Фарғона пиллакашлиқ фабрикасининг цех бошлиғи.

998. **Шукуров** Раҳмон — Яккабоғ районидаги Ворошилов номли колхозининг раиси.

999. **Шукуров** Абдурахмон — Киров район ижроия комитети халқ маорифи бўлимининг мудири.

1000. **Шченина** Ольга Назаровна — Куйбишев район касалхонасининг врачи.

1001. **Эргашев** Қўчқин — Бойсун районидаги «Ленин йўли» колхозининг чўпони.

1002. **Эрматова** Гавҳар — Қушработ районидаги Каганович номли колхозининг а'зоси.

1003. **Эшонова** Раҳбархон — Чинобод районидаги «Комсомол» колхозининг бригада бошлиғи.

1004. **Йўлдошев** Собир — Хонқа район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мироби.

1005. **Йўлдошев** Сайфулла — Ўзбекистон К(б)П Косон район комитетининг секретари.

1006. **Йўлдошев** Музаффар — Риж-вон районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси.

1007. **Йўлдошев** Юсуф — Марҳамат районидаги 1-нчи МТСнинг директори.

1008. **Йўлдошева** Раҳимҳ — Социал-та'минот министрлигининг инспектори.

1009. **Юлин** Иван Романович —Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар, Фрунзе район комитетининг инструктори.

1010. **Юнусхўжаева** Туйғун—Радиоахборот комитетининг старший диктори.

1011. **Юнусов** Машрабжон — Андижондаги ўзбек театрининг артисти.

1012. **Юнусов** Султон — Шеробод районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

1013. **Юнусова** Ҳолбиби — Бўка районидаги «Кремль» колхозининг звено бошлиғи.

1014. **Юран** Василий Иванович—Молия министрлигининг бўлим бошлиғи.

1015. **Юсупова** Кимсаной—Норин районидаги Сталин номли колхозининг звено бошлиғи.

1016. **Юсупов** Нуриддин — Сирдар'ё районидаги Чкалов номли колхозининг раиси.

1017. **Юсупова** Қорақиз—Орженикидзе районидаги Карл Маркс номли колхозининг раиси.

1018. **Юсупов** Ашурали — Муқимий номли драма ва комедия театрининг музикачиси.

1019. **Юсупова** Ҳалима Исмоиловна — Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари.

1020. **Юсупов** Шокир — Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг ходими.

1021. **Ёқубов** Ҳаста Ҳаимович —Ўзбекистон К(б)П Ленин район комитетининг бўлим мудири.

1022. **Ёқубов** Тошабой — Ҳолдевонбек районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

1023. **Ёқубов** Абдулла Иброҳимович—«Восток-Заготзерно» Ўзбекистон конторасининг бошқарувчиси.

1024. **Ёқубов** Қўшоқ — Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг милиционери.

1025. **Янгибоев** Равшан — Чоржўй-Урганч темир йўли қурилишининг ишт теручиси.

1026. **Язинина** Юлия Николаевна — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети бўлимининг инструктори.

1027. **Ерматов** Деҳқонбой — Ички Ишлар министрлиги Қўшқўпир район бўлимининг бошлиғи.

1028. **Яськевич** Виктор Тарасович — Тошкент «Гордорстрой» трестининг бош инженери.

1029. **Яхина** Роза Акрамовна — Адлия министрлиги бошқармасининг ревизори.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

1. **Абдуалимов** Абдурасул — Жалақудуқ районидаги «Совай» пахта совхозининг бригада бошлиғи.

2. **Абдурахмонхўжаев** Акмал — Тошкент 32-нчи қурилиш трестида сувоқчи.

3. **Абдурашидова** Закия Раҳимовна — Олтинкўл районидаги қишлоқ санитария тиббий участкасининг мудири.

4. **Абдиева** Ғулжой — Ўзбекистон К(б)П Қорақишлоқ район комитетининг инструктори.

5. **Абдувалиев** Абдуазиз — Қўқон шаҳридаги биринчи почта алоқа бўлимининг бошлиғи.

6. **Абдужабборова** Солиҳон — Фарғона масложиркомбинатининг қолипчиси.

7. **Абдуллаев** Жўра — Норин районидаги Сталин номли колхозининг раиси.

8. **Абдуллаев** Иброҳим — Хева районидаги «Савод» колхозининг звено бошлиғи.

9. **Абдуллаев** Шодиқул — Самарқанд матлубот жамияти район союзининг раиси.

10. **Абдуллаев** Абдурахмон — Тошкент темир йўли 2-нчи бўлимининг бош конденсатори.

11. **Абдуллаев** Сари — Чоржўй—Урганч темир йўл қурилишининг ишчиси.

12. **Абдуллаева** Ҳабибахон — Ленин районидаги «Социализм» колхозининг а'зоси.

13. **Абдурасулов** Раҳмжон — Сталин районидаги 2-нчи МТС бригада механиги.

14. **Абдурауфов** Эгамназар — Пойариқ районидаги Куйбишев номли колхозининг раиси.

15. **Абдурауфова** Му'табар — Самарқанд шаҳридаги 37-нчи болалар богчасининг мудираси.

16. **Абдурахмонов** Обиджон — Ўзбекистон К(б)П Хўжаобод район комитети бўлим мудири.

17. **Абдурахмонов** Абдурахим — Наманган районидаги Куйбишев қишлоқ советининг раиси.

18. **Абдурахмонова** Саломат — Самарқанд шаҳридаги «8 Март» тикувчилик фабрикасининг моторчиси.

19. **Абдурахмонова** Поила Муҳамедовна — Ўзбекистон К(б)П Қорақўл район комитети сектор мудири.

20. **Абдурахмонов** Фотих Маҳмудович—Ленин район алоқа конторасининг бошлиғи.

(ДАВОМИ БОР)

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг 17, 19, 20, 24, 28, 29 январь, 1, 2, 3, 4, 12, 14, 15, 24 февраль, 8, 15, 21, 23, 24, 29 ва 30 март сонларида босилган.

Чигит экишни қисқа муддатда, юқори сифатли қилиб ўтказиш— пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг энг муҳим шартидир

ИЛҒОР ТРАКТОР БРИГАДАСИ ЕР ҲАЙДАШ ПЛАНИНИ ОШИРИБ БАЖАРДИ

ФАРҒОНА, («Қизил Узбекистон» мухбиридан). СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг кўклам экишига тайёргарлик ҳақидаги қароридан руҳланган Водил районидаги МТС нинг ўртоқ Орзиқул Тоштемиров бошлиқ трактор бригадаси Карл Маркс номли ва «Пролетар» колхозларида пландаги 420 гектар ўрнига 430 гектар ерни сифатли қилиб ҳайдаб, планини ошириб бажарди. Бригаданинг тракторчиларидан ўртоқ Карим Алиев ўз сменасида 124 гектар, ўртоқ Ғаффор Сатторов 96 гектар, ўртоқ Ҳайдар Отабоев 84 гектар ер ҳайдаб, анчагина ёнилғини тежадилар. Бригаданинг тракторчилари пландан ташқари яна 150 гектар ерни ҳайдаш мажбуриятини олдилар.

Бригада чигит экишда ҳам районда олдинда бораётир. Тракторчи ўртоқ Маткаримов ҳозиргача 155 гектар, ўртоқ Мирзаалиев 148 гектар ерга чигит экди. Бригада ҳозир планда белгиланган ерининг 70 процентига экиб бўлди ва 10 процент ёнилғини тежади. Бригаданинг тракторчилари чигит экишни 1 апрельгача тамомлаш учун курашмоқдалар.

Пахта далаларидан дараклар

Фарғона область, Киров районидаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ Баҳриддин Салимов бошлиқ звено а'золари республика пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаатини муҳокама қилган вақтда ҳар гектар ердан 100 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган эдилар.

Колхозчилар бу мажбуриятларини бажариш учун астойдил киришиб, 7 гектар ерга юқори сифатли қилиб чигит экиб бўлдилар. Ҳозир чигитни ердан текис чиқариб олиш учун зарур тадбирлар кўрилаётир.

Шунингдек Рапқон қишлоқ советидаги «Совет» колхозининг коммунист ўртоқ Тўхтасин Ортиқов бошлиқ бригадаси ҳам 40 гектар ерга юқори сифатли қилиб чигит экиб бўлди. **Қ. Узоқов.**

☆

Бухоро область, Ғиждувон район, Сарвари қишлоқ советидаги Молотов номли колхозининг ўртоқ Шамси Сайфиев бошлиқ звеноси чигит экишни районда биринчи бўлиб тугаллади. Звено а'золари экиш олдидан 8 гектар ерни юқори сифатли қилиб ишлаб, минерал ва маҳаллий ўғит блан озиқлантирдилар. Улар чигитни апрельнинг биринчи ўн кунида текис чиқариб олиб, пешма-пеш ғўзани парвариш қилиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. **Р. Сайфиддинов.**

☆

Андижон область, Ворошилов районида, ти Ленин номли колхоз бу йил 503 гектар ерга чигит экди. Ҳозир колхозда чигит экиш оммавий тус олди. Колхозчиларнинг ҳаммаси далага чиқиб, нормасини тўла ва ошириб бажараётир. Ерни экишга тайёрлаш ва экиш юзасидан берилган кунлик график тўла бажарилмоқда. Ҳозиргача колхозда 100 гектардан ортиқ ерга чигит экилди.

Ш. Зуҳриддинов.



Пастдарғом районидаги 1-нчи МТСнинг универсалчиси Араб Исмоилов Ворошилов номли колхозда звено бошлиғи Ҳушвақт Норматов блан бирга чигит экмоқда. Улар стахановчасига ишлаб, смена нормасини ошириб бажармоқдалар. Суратда: Араб Исмоилов ва Ҳушвақт Норматов ўртоқлар чигит экмоқдалар.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тракторлар унумсиз ишламоқда

АНДИЖОН, («Қизил Узбекистон» мухбиридан). Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюро мажлисида Избоскан район колхозларида кўклам дала ишлари кечиктирилаётгани ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, ер ҳайдаш ва чигит экишни тезлатиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланган эди. Шунга қарамасдан район раҳбарлари одатдагича шовшув кўтариш блан чегараланиб, амалий ишда ҳеҳқандай ўзгариш қилмаётирлар. Районнинг колхозларида ер ҳайдаш, чигит экиш, янги ерларни ўзлаштириш ишларига барча куч ва воситалар тўла сафарбар қилинмаётир. Кўклам дала ишлари бошлангандан бери районда бирор кун ҳам график бажарилгани йўқ. Партия ва ҳукуматимиз бу районнинг колхозлари ва МТСларига алоҳида э'тибор бериб, уларга жуда катта моддий техника ёрдами кўрсатди. Лекин бу имкониятлардан унумли фойдаланилмаётилганлиги натижасида, районда кўклам дала ишлари ҳалдан ташқари кечиктирилмоқда.

Райондаги 2 та МТСда мавжуд бўлган тракторлар блан кунига 500 гектардан ер ҳайдаш ва шунча ерга чигит экиш мумкин эди. Аммо МТС директорлари, шунингдек район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари ва колхоз правленилари ўз вазифаларига мас'улиятсизлик блан қараб, ер ҳайдашни кечиктириб юборяётирлар. Экиш сур'ати ҳам паст. Ҳозиргача район бўйича атиги 6,5 процент ерга чигит экилди.

МТСларда барча тракторлар ремонтдан чиқарилган бўлса ҳам, далала ишлаётган тракторларнинг бир қисми арзимаган сабаблар блан бузилиб, тўхтаб қолмоқда. Мавжуд тракторлардан 20 та СХТЗ, НАТИ тракторларининг 50 проценти, шунингдек янги олинган занжирли тракторларнинг бирнечтаси ишламай турипти. Мана бу фактлар МТСларда трактор ремонтининг сифатсиз ўтказилганлигини кўрсатади. МТС директорлари Азимов ва Краснов ўртоқлар тракторларни тезда тузатиб ишга солиш ўрнига, ҳамон қуруқ мақтаниш ва ва'дабозлик блан шуғулланиб келмоқдалар. Трактор паркидан тўла фойдаланиш учун ташкилий ва амалий чоралар кўрилмаётир.

Коммуна қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз бу йил 345 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириши керак. Лекин бу колхозда ер ҳайдаш ва чигит экиш ниҳоятда сует бораётир. Трактор бригадаси ёмон ишлаётганлиги натижасида, колхозда 16 мартдан ҳозиргача атиги 100 гектарга яқин ер ҳайдалган ва 10 гектарга чигит экилган. 2-нчи МТСнинг колхозга бириктирилган ўртоқ Қодирқул Ҳамроқулов бошлиқ трактор бригадаси колхоз блан тузилган шартномани бажармаётир. Бу бригадада 3 та «Универсал», 2 та СХТЗ ва 1 та НАТИ тарктори бор. Лекин бу машиналар ёмон ремонт қилинганлигидан, уларнинг кўпи ҳозирданоқ ишга яроқсиз бўлиб қолди. Масалан, ўртоқ Ил'ёс Риёсов ишлаётган СХТЗ трактори яқинда ремонт қилинганига қарамай, озгина ер ҳайдамасдан мотори бузилиб қолди, полшининги эриб ишдан чиқди. Шунингдек Тошматов, Исоқов ўртоқлар ишлаётган тракторлар ҳам кунлик нормаларини атиги 30—35 процент бажармоқдалар. МТС раҳбарлари тракторчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани кучайтириш ишларига бепарволик блан қараб келмоқдалар. «МТС» колхозида ишлаётган ўртоқ Жалилов бошлиқ трактор бригадасининг иши устидан ҳеҳқандай назорат қилинмаётганлиги орқасида, бу бригаданинг тракторчиси ўртоқ Ҳаким Каримов яқинда тракторни тўхтатиб, 3 кун ўз шахсий иши блан шуғулланиб юрган. Бригада механиги ўртоқ Жалилов эса бу тракторчига нисбатан ҳеҳқандай чора кўрмаган.

Избоскан районининг пахтакорлари бу йил ўтган йилги хатоларга йўл қўймай, пахталан мўл ҳосил етиштириш юзасидан катта мажбурият олганлар. Бу эса ўтган йилга нисбатан кўпроқ ва яхшироқ ишлашни, мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланишни талаб этади. Лекин кўклам дала ишларининг ҳозирги мас'улиятли даврида районда қилинаётган ишлар мутлақо қониқарсиз бораётир. Ишга яроқли барча колхозчилар ҳалигача дала ишларига тўла сафарбар қилинмаган. Ҳозирги пайтда ҳар куни районда 2 мингдан кўпроқ колхозчи дала ишларига қатнашмаётганлигини мисол қилиб кўрсатиш кифоя. Бу нарса районда ҳалигача хотиржамлик қайфияти ҳукм сураётганини, колхозчиларнинг пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлидаги ғайрат ва ташаббусига чинакам бошчилик қилинмаётганлигини кўрсатади.

А. ҲАМДАМОВ.

Бутун кучни кўклам экишини тез ва юқори сифатли қилиб ўтказишга сафарбар қиламиз

Мамлакатга ўтган йилдагидан кўпроқ пахта топшириш учун курашнинг муҳим даври келди. Шу кунларда қишлоқдаги бутун куч чигитни барвақт ва юқори сифатли қилиб экиб, текис ундириб олишга сафарбар этилиши лозим. Қишлоқ советларининг муҳим вазифаси—СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарорини большевикча бажаришдан иборатдир.

СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловлар даврида қишлоқ советимиз омма блан алоқасини янада мустаҳкамлади, колхозчилар ўртасида сиёсий-ташкилотчилик ишларини ўтказишда бой тажриба орттирди. Омманинг сайловлар даврида вужудга келган меҳнат активлигини мустаҳкамлаш, чигит экишни муваффақиятли ўтказишга бошчилик қилиш—асосий бурчимиздир.

Яқинда қишлоқ советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияга колхоз раислари, қосилот кенгашининг раислари иштирок этдилар. Сессия кўклам экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш масаласини муҳокама қилди. Сессияда чигит экиш даврида колхозчилар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш, республика пахтакорлари VI қурултойида ва Узбекистон ССРнинг 25 йиллигига бағишланган юбилей сессиясида олинган мажбуриятни большевикча бажариш ва дала ишлари даврида колхозчиларга маданий-маиший хизматни яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Бу йил қишлоқ советимиз бўйича ҳар гектар ердан камида 25 центнердан пахта ҳосили олиниши керак. Айрим колхозлар бундан ҳам юқори ҳосил олиш учун курашмоқдалар. «Қаҳрамон», «Ленинизм», Жданов номли колхозларнинг а'золари 28—30 центнердан пахта етиштиришга қарор қилдилар. «Қаҳрамон» колхозида Абдусаттор Тўраев, Жданов номли колхозда Мирзаали Қобилов ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг ҳар гектар ердан 85 центнерга етказиб ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар.

Ҳозир қишлоқ советида барча колхозларда чигит экиш қизитиб юборилди. Чигит чуқур ҳайдалган, яхши планлаштирилган, маҳаллий ва минерал ўғит блан етарли озиқлантирилган ерларга экилмоқда. Барча колхозларда чигитни гоммоз касалига қарши юрилашга, агротехника қоидаси талаб этган даражада ишитишга риоя қилинмоқда.

Илғор колхоз, бригада ва звеноларнинг ривожланиши секинлашиб, тунги совуқлар вақтида тўхталиб қолади. Ҳарорат ма'лум зарурий даражадан пасайса, чигитнинг ривожланиши шу ондаёқ тўхталади, аксинча, ҳарорат кўтарилиши блан, дарҳол ривожлана бошлайди.

Шуни эслатиб ўтиш зарурки, бирон район учун чигит экиш муддатини, ғўзанинг шоналаш даври бошланишини ҳисобга олмай, тўғри белгилаш мумкин эмас.

Шоналаш даври бошланиши учун ҳарорат айниқса муҳим, чунки шоналаш даври бошланиши учун бошқа ривожланиш даврларига қараганда юқорироқ ҳарорат талаб қилинади. Шоналаш даври бошлангандан кейин, гуллаш даври ҳарорат пастроқ бўлганда ҳам бошланиши мумкин.

Шундай қилиб, шоналаш даври ғўзанинг ҳаётида энг муҳим давр ҳисобланади.

Академик Т. Д. Лисенко ёзади: «... Бирон район учун пахтанинг ма'лум сортини экиш муддатини назарий жиҳатдан белгилаган вақтда, чигитнинг ундиб чиқиш даври учун зарур ҳарорат шароитинигина эмас, балки ғўза шоналаши учун зарур ҳароратнинг қачон тегишли даражага етган бўлиши ҳам муҳимдир». Чигит экиш муддатини белгилаган вақтда, ана шу даврни назарга олиш керак, токи шу муддатгача ғўзалар шоналаш учун тайёр бўлсин.

Узбекистоннинг пахтакор районларида шоналаш даври эрта экилган ерларда тез бошланади.

Об-ҳаво шароити соҳасидаги ва Узбекистоннинг турли зоналарида ривожланиш даврлари соҳасидаги кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпчилик йилларда чигит биркеча-кундузлик ўртача ҳарорат 9—11 даражада бўлган вақтда экилганда, ғўзаларнинг 50 проценти Тошкент, Самарқанд, Хоразм областларида, Шаҳрисабз группасидаги районларда 1 — 5 июнда, Фарғона воҳаси ва Денов группасидаги районларда 30 май—2 июнда, Бухоро областида, Қарши группасидаги районларда 26 —31 майда, Термиз группаси районларида 20 — 22 майда, Қорақалпоғистон АССРда 10—15 июнда шоналайбошлаши мумкин. Бундан кейинги ривожланиш даврлари — гуллаш ва етилиш шоналаш даврининг қачон бошланишига боғлиқ бўлади, шоналаш даври нотўғриқ эрта бошланса, бундан кейинги ривожланиш даврлари шунчалик эрта бўлади.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Пахта далаларида сайёр бригадалар

Область ҳунарманчилик кооперацияларининг ўтган йилги тажрибалари асосида, бу йил ҳам кўклам экиш кампанияси даврида пахтакорларга хизмат кўрсатиш учун сайёр бригадалар юборилади. Бу бригадалар составида темирчилар, слесарьлар ва бошқа касб эгалари бор.

Наманганди «Қизил болға» артели бўз ерларни ўзлаштираётган колхозларга хизмат қилиш учун ремонт бригадаси ажратди. Андижонлаги «Қизил Узбекистон» артели Шаҳрихон чўлидаги колхозларга махсус бригада юборди. Сайёр бригадаларнинг а'золари дастлабки кунлардаёқ кўп миқорда борона, сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилдилар.

Ҳозир ҳунарманчилик кооперацияси йўли блан узоқ районлардаги колхозларда 30 та сайёр бригада ишламоқда. Яқинда уларнинг сони 50 га етказилади.

Чигитни барвақт экиш—пахтани эрта пишириш ва юқори ҳосил олишнинг гаровидир

ВКП(б) Марказий Комитетининг Февраль пленуми ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақидаги сўнгги қарорларида пахта майдонларини кенгайтириш ва айниқса унинг ҳосилини ошириш вазифаси қўйилди.

Партия ва ҳукуматимиз, шахсан ўртоқ Сталин пахта ҳосилини йил сайин ошириш учун Узбекистоннинг колхоз ва совхозларига катта ёрдам бермоқдалар. Давлатга топшириладиган пахта учун тўланадиган ҳақнинг оширилганлиги, жуда кўп тракторлар, қишлоқ хўжалик асбоблари, кўп миқдорда минерал ўғит етказиб берилаётганлиги ҳаммамизга ма'лум.

Узбекистон колхоз ва совхозлари олдида бу йил партия ва ҳукуматимизнинг ана шу ғамхўрлигига жавобан пахта ҳосилини ўтган йилга қараганда анча ошириш, пахтани тезроқ етилтириш, бунинг учун илғор колхозларнинг тажрибаларини совет агробиология фанининг муваффақиятлари блан боғлаб олиб бориш вазифаси туради.

☆

Сўнгги йилларда колхоз ва совхозларда пахта ҳосилининг 25 дан 35 процентгача қисми ноябрь-декабрь ойларида терилиб олинаётганлиги ма'лум.

Пахтанинг кеч етилиши ва бунинг натижасида йигим-терининг кечикиши ҳар йили кузги шудгор ва бошқа шу каби жуда муҳим кузги-қишки тадбирларнинг бажарилмай қолишига сабаб бўлмоқда. Бу ишлар кўклам фаслига қолдирилмоқда.

Натижада, экиш муддатлари чўзилиб, ғўзалар ўсиш даврида қулай об-ҳаво шароитидан тўла фойдаланаолмаётир, пахта анча кеч етилмоқда.

Пахтани эрта етиладиган ва мўл ҳосил берадиган қилиш агробиология фани ва илғор тажрибакорларнинг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифасидир. Вазифа—пахтанинг ҳарқандай шароитда ҳам эрта етилишини та'минлаб, ҳосилнинг камида 85 — 90 процентини 20 октябрь—1 ноябрьгача йиғиб олишдан иборат.

Бу вазифани ҳал қилишда чигитни эрта экиш катта аҳамиятга эгадир.

Ҳолбуки, кўлгина қишлоқ хўжалик ходимлари ва ҳатто илмий ходимлар ҳам чигитни эрта экиш пахтанинг барвақт етилишини ва мўл ҳосилли бўлишини та'минлашда роят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳозиргача тушуниб олганлари йўқ. Улар чигит экиладиган «энг яхши муддат» 10—25 апрель, я'ни апрельнинг ўртаси деб ҳисоблайдилар. Бу хил «энг яхши муддат»ларни ёқловчилар Узбекистоннинг асосий пахтакор районларида эрта, я'ни 5—10 апрельгача экилган ҳамма ерда чигит нимжон, сийрак униб чиқади, бу эса пахта ҳосилини камайтиришга сабаб бўлади, деб да'во қиладилар.

Шунинг учун чигит экиш муддатларини илмий асосда тўғри белгилаш ҳозирги вақтда пахтачиликни янада ривожлантиришда роят катта аҳамиятга эгадир.

Пахтачилик соҳасида кейинги йилларда тажрибалар чигит экишда «энг яхши муддат» тарафдорларининг нотўғри хулосаларини рад этди, ва чигитни анча эрта муддатларда экиш мумкинлигини яққол исботлади.

Сўнгги йилларда ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини келтирайлик.

К. Н. Шагаевнинг 1942 йилда Янгийўл районидаги механизация ва пахта агротехникаси станциясида олиб борган тажрибаси яхши натижаларни берди. 25 мартда экилган чигит гектаридан 40,1 центнер, 1 апрельда экилган чигит 34,8 центнер, 10 апрельда экилган чигит 34,5 центнер, 15 апрельда экилган чигит 32,1 центнер, 20 апрельда экилган чигит 33,1 центнер, ҳосил берди.

Бухоро тажриба даласида 1941 йилда экилган 36—М 2 нав'ли чигитдан: 25 мартда экилганда 46,8 центнер, 31 мартда экилганда 43,1 центнер, 5 апрельда экилганда 39,4 центнер, 10 апрельда экилганда 39,9 центнер ҳосил олинди.

Я. Д. Нагибининг 1945 йилда мазкур станцияда С — 460 нав'ли пахта юзасидан ўтказган тажрибаси шундай натижалар берди: 6 апрельда экканда 34,3 центнер, 10 апрельда экканда 32,8 центнер, 20 апрельда экканда 30,5 центнер, 30 апрельда экканда 25,9 центнер ҳосил олинди. 1946 йилда шу нав'ни 6 апрельда экканда 41,6 центнер, 10 апрельда экканда 46,4 центнер, 20 апрельда экканда 31,8 центнер ҳосил олинди.

Юқорида келтирилган тажрибалар чигитни эрта экиш афзаллигини яққол кўрсатади.

Чигитни эрта экиш пахта ҳосилини оширишда катта аҳамиятга эга эканлигини Узбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Қишлоқ хўжалик институтининг 1949 йилда ўтказган тажрибаси аниқ тасдиқлайди.

С. А. Майоров Андижон районидаги «Сталин йўли» колхозида тажриба қилиб кўрганда, 1 апрельда экилган чигит гектаридан 43,2 центнер, 6 апрельда экилгани 42,6 центнер, 16 апрельда экилгани 41,0 центнер, 26 апрельда экилгани 33,4 центнер ҳосил берди.

Б. Г. Алиев «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозида тажриба қилиб кўрганда, 30 мартда экилган чигит гектаридан 37,8 центнер, 5 апрельда экилгани 36,5 центнер, 12 апрельда экилгани 32,4 центнер, 17 апрельда экилгани 31,0 центнер, 23 апрельда экилгани 18,0 центнер ҳосил берди. Шу блан бирга чигит эрта экилган ерларда пахтанинг асосий қисми қорасовуқ тушгунча териб олинди.

Чигитни эрта муддатда экиш қандай катта аҳамиятга эга эканлигини йирик пахтакор 1-нчи ва 2-нчи «Боёвут» совхозларининг тажрибаси айниқса яққол кўрсатади. Бу совхозларда 1949 йилда ерларнинг асосий қисмига чигит март ойининг охирларидан бошлаб 7 апрельгача экилиб бўлди. 12 — 13 апрельда чигит экиш ҳамма ерда тамомланди. Чигитнинг талай қисми кузда шудгорланган ерга экилди, қолгани қисми эса чимқирқарли плуглар блан ҳўкламда бир марта ҳайдалган ерга экилди. Чигит 10 — 12 апрельда униб чиқабошлади. 1-нчи «Боёвут» совхозида ғўзанинг қалинлиги гектарига 78 минг ва 2-нчи «Боёвут» совхозида 90 минг туп бўлди.

2-нчи «Боёвут» совхози чигитни эрта экканлиги ва далаларда илғор агротехникани қўлланганлиги туфайли 1949 йилда 4 минг гектар ергинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 32 центнердан, 1-нчи «Боёвут» совхози эса 1700 гектар ернинг ҳар гектаридан 30,5 центнердан пахта ҳосили олди.

Юқорида келтирилган мисоллар «эрта экилган ерларда чигит сийрак униб чиқади ва ҳосил кам бўлади» деган да'воларни тамомила рад этади, амалда чигитни эртэ экканда айрим звено ёки бригадаларгина эмас, балки бирнеча юз, бирнеча минг гектардан иборат катта ерларда ҳам тегишли агротехника қоидаларига амал қилиб ишлаганда, чигитни бир текис ундириб олиш ва юқори ҳосил етиштириш мумкинлигини кўрсатади.

Отоқли олимларимиз Мичурин, Вильямс, Лисенко қайта-қайта айтганларидек, одам ўсимликларнинг ўсиш шароитига актив аралашиб, улар учун тегишли муҳит яратиб, табиий қийинчиликларни енгиши ва табиатни ўзига бўйсундириши мумкин. И. В. Мичурин «Биз табиатдан марҳамат кутаолмаймиз,—ундан нимайики унса шуни ундириб олиш—бизнинг вазифамиздир» деган.

Нима учун чигит эрта экилганда пахта эрта етилади ва ундан юқори ҳосил олинади?

Асосий сабаб шундан иборатки, чигит эрта — март ойининг учинчи ва апрелнинг биринчи ўнкунлигида экилганда, тупроқда чигитнинг ниш уриши ва кўкариб чиқиши учун табиий нам ҳамишa етарли бўлади. Бу жуда ҳам муҳим нарса, чунки бизнинг шароитимизда кўкламда ҳаво бирдан исиб кетиши блан ернинг қишда тўплаган нами тезорада қочиб кетади, биз чигитни ундириб олиш учун чигит суви бериштга мажбур бўламиз, бу эса ерни совутади, чигит кеч униб чиқади, совуқ ерда ғўза секин ўсади. Агар чигит сувсиз берилмаса, чигит қуруқ тупроқда то навбатдаги суғоришгача униб чиқмай ётаверади.

Ерда етарли миқдорда табиий нам бўлганда, ер бетидан унча чуқурда бўлмаган чигитлар кун сал исиши блан кўкарабошлайди. Ўсимликнинг ярозизация даври барвақт ўтади, яхши ишланган группроқда чигит эрта ва қалин униб чиқади. Эрта экилган ерларда ғўзанинг парваришини эрта бошлаш мумкин бўлади.

Натижада, эрта экилган ерларда ғўзаларнинг бундан кейинги ривожланиш даврлари эрта ўтади, пахта эрта етилади ва кўп ҳосил тугади.

Чигит экишни қачон бошлаб, қачон тамомлаш керак?

Даставвал, шуни унутмаслик керакки, ғўза — ўз табиати блан иссиқни кўп талаб қиладиган ўсимлик. Унинг чигити кўкариш учун муайян муҳит шароитини—етарли миқдорда нам ва иссиқлик бўлишини талаб қилади. Агар ерда нам бўлмаса, уруғ бўртаолмайди, иссиқлик (ҳарорат) етарли бўлмаса, чигит унмайди, ўсаолмайди.

Чигит экиш муддатини тўғри белгилаш учун академик Т. Д. Лисенконинг «Ўсимликлардаги ривожланиш даврининг давом этишига иссиқлик факторларининг та'сири» номли асари (Сельхозгиз, 1949 йил), Тошкент яқинидаги Бўзсув агрометиорологии станциясининг тажрибалари, «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозида чигитни эрта экишда ўтказилган тажрибалар роят катта аҳамиятга эгадир.

Академик Т. Д. Лисенко бундай деб ёзади: «...ўсимликларнинг ҳарбир ривожланиш даври иссиқлик энергияси муайян бир даражага етган вақтда, я'ни Цельсий ҳисобида бир қанча кун давомида ма'лум миқдорда иссиқлик бўлганда бошланади».

Тажрибада ма'лум бўлишича, пахтанинг ҳарбир нав'и иссиқлик ма'лум бир даражага етганда ўсабошлайди. Бир хил нав'ида ҳам ҳарбир ривожланиш даври иссиқ турлича бўлганда бошланади. Шу блан бирга, ҳарбир кейинги ривожланиш даври, айниқса шоналагунча бўлган даврлар иссиқликнинг тобора ошишини талаб этади. Ривожланишнинг ҳарбир даври, масалан, экишдан чиққунгача, униб чиққандан биринчи чинбарги пайдо бўлгунча, шоналаш даври ва бошқа даврларнинг ўтиши учун ҳамиша муайян миқдорда иссиқлик, я'ни бирқанча кун давомида иссиқлик якуни ма'лум даражага етиши керак. Ҳарорат қанчалик юқори бўлса, ривожланиш даври шунча тез ўтади. Чигитнинг ривожланиш тезлигини махсус кузатиб бориб, уни ҳаво ҳарорати блан таққослаб кўрганда, турли нав'лардаги чигитларнинг унабошлаши учун зарур бўлган ҳарорат Цельсий ҳисобида 9 — 11 даража эканлиги ма'лум бўлади. Чигит ерга экилган пайтдан униб чиққунгача тахминан 84 даража ҳароратни талаб қилади. Шу миқдорда ҳарорат ололмаган чигит, агар табиати ўзгартирилмаса, я'ни бирон йўл блан совуққа чидамлилиги оширилмаса, ҳеҳқачон униб чиқмайди.

Агар чигит ўртача биркеча-кундузлик ҳарорат шу айтилган чамадан паст, я'ни Цельсий ҳисобида 9 — 11 даражадан кам бўлган шароитга тушса, ўзининг ривожланиши учун кундузги энг юқори ҳароратдан фойдаланиши мумкин. Лекин чигитнинг ривожланиши секинлашиб, тунги совуқлар вақтида тўхталиб қолади. Ҳарорат ма'лум зарурий даражадан пасайса, чигитнинг ривожланиши шу ондаёқ тўхталади, аксинча, ҳарорат кўтарилиши блан, дарҳол ривожлана бошлайди.

Шуни эслатиб ўтиш зарурки, бирон район учун чигит экиш муддатини, ғўзанинг шоналаш даври бошланишини ҳисобга олмай, тўғри белгилаш мумкин эмас.

Шоналаш даври бошланиши учун ҳарорат айниқса муҳим, чунки шоналаш даври бошланиши учун бошқа ривожланиш даврларига қараганда юқорироқ ҳарорат талаб қилинади. Шоналаш даври бошлангандан кейин, гуллаш даври ҳарорат пастроқ бўлганда ҳам бошланиши мумкин.

Шундай қилиб, шоналаш даври ғўзанинг ҳаётида энг муҳим давр ҳисобланади.

Академик Т. Д. Лисенко ёзади: «... Бирон район учун пахтанинг ма'лум сортини экиш муддатини назарий жиҳатдан белгилаган вақтда, чигитнинг ундиб чиқиш даври учун зарур ҳарорат шароитинигина эмас, балки ғўза шоналаши учун зарур ҳароратнинг қачон тегишли даражага етган бўлиши ҳам муҳимдир». Чигит экиш муддатини белгилаган вақтда, ана шу даврни назарга олиш керак, токи шу муддатгача ғўзалар шоналаш учун тайёр бўлсин.

Узбекистоннинг пахтакор районларида шоналаш даври эрта экилган ерларда тез бошланади.

Об-ҳаво шароити соҳасидаги ва Узбекистоннинг турли зоналарида ривожланиш даврлари соҳасидаги кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпчилик йилларда чигит биркеча-кундузлик ўртача ҳарорат 9—11 даражада бўлган вақтда экилганда, ғўзаларнинг 50 проценти Тошкент, Самарқанд, Хоразм областларида, Шаҳрисабз группасидаги районларда 1 — 5 июнда, Фарғона воҳаси ва Денов группасидаги районларда 30 май—2 июнда, Бухоро областида, Қарши группасидаги районларда 26 —31 майда, Термиз группаси районларида 20 — 22 майда, Қорақалпоғистон АССРда 10—15 июнда шоналайбошлаши мумкин. Бундан кейинги ривожланиш даврлари — гуллаш ва етилиш шоналаш даврининг қачон бошланишига боғлиқ бўлади, шоналаш даври нотўғриқ эрта бошланса, бундан кейинги ривожланиш даврлари шунчалик эрта бўлади.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)



Суратда: Фарҳод ГЭС ишчилар шаҳарчасида қурилган еттийиллик мактаб биноси. Я. Клемперт фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Булғорияда Югославия жосуслари устидан суд

СОФИЯ, 29 март. (ТАСС). Бугун суд палатасининг биносида Югославия жосуслари, террорчилари ва қўпоручиларидан 26 киши устидан суд бошланди. Бу ишни София округ суди кўрмоқда. Суд состави қуйидаги кишилардан иборат: раис—Стефан Величков, а'золар—Магдалена Баримова ва Дафин Дафинов.

Қороловчи—прокурор Петко Петринский.

Суд ранси Стефан Величков айбдорлар ва гувоҳларнинг ҳаммаси ҳозир бўлганлигини аниқлади (айбдор ва гувоҳлар сони 50 кишидан ошиб кетади), шунингдек экспертлар ва химоячи адвокатларнинг ҳозир бўлганлигини ҳам аниқлади.

Сўнгра суд айбномани ўқишга киришди.

Судда София жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари, фабрика ва заводларнинг ишчилари қатнашмоқдалар.

СОФИЯ, 29 март. (ТАСС). Булғорияда Югославия жосуслари устидан бўлаётган судда аввало айбдор Бранко Звиерац («Симеуна») сўроқ қилинди. Айбдор ўз бўйнига қўйилган айбларга тамомила иқрор бўлди.

Айбдорнинг айтишича, 1948 йил июнь ойида, КНОЮ (Югославиядаги халқ муҳофазаси корпуси) батальонининг командири бўлган вақтида, у Сербия ички ишлар министри Слободан Пенезич ҳузурига чақирилган.

Пенезич унга, сиз Ранковичнинг шахсий буйруғига биноан, махфий топшириқларни бажариш учун Булғория Халқ республикаси территориясига юбориласиз, бу махфий топшириқларни сизга Софиядаги югослав элчихонаси паспорт бўлимининг бошлиғи Светозар Савич («Пойчето») бериб туради, деган. Звиерац бунга рози бўлгач Пенезич унга Булғория чегарасидан махфий ўтиш тўғрисида йўл-йўриқ бериб, чегарадан ўтгандан кейин Савич блан қандай алоқа боғлаши лозимлигини айтган.

Айбдор бундай деди: Пенезич менга, КНОЮ даги хизматингиздан расман бўшаб кетишингиз керак, шу блан бирга, «пьянисталик қилганингиз учун» жўрттага партиядан чиқариласиз, деди.

Пенезич кабинетида Звиерац Пенезич ёздирган тилхатга қўл қўйган.

— Суҳбат охирида, — деди айбдор, — Пенезич, Булғория ва булғор халқи Югославиянинг ва Югославия халқларининг душманидирлар. Булғория яқинда Югославиянинг еттинчи республикаси бўлади, бунга узоқ вақт қолмади, деди.

— Орадан бирмунча вақт ўтгач, — деди ўз сўзини давом этдириб айбдор, — мен марказий комитетга ва Ранковичга ариза ёздим, бу аризада унвонлар берилган вақтда мени тушуриб қолдирганликларини, беш йилдан буён капитан унвонида қолганлигимни айтдим. Шундан кейин кўп вақт ўтмай Пенезич мени ўз ҳузурига чақириб, агар зиммангизга юклатилган ҳамма топшириқларни яхши бажарсангиз майор унвонигина эмас, балки подполковник унвони ҳам олишингиз мумкин деди. Пенезич, Булғорияда халқ ҳокимияти яқинда ағдариб ташланади, ана шу вақтда Булғорияда бўлган кишиларимиз юқорироқ унвонлар берилган вақтда имтиёзга эга бўладилар, деди.

— Пенезич менга София шаҳрининг планини ва Савич блан қаерда учрашишим керaклигини кўрсатди, — деди ўз сўзини давом этдириб айбдор. — Пенезич менга зарур бўлган тақдирда Белграддаги УДБ (Югославия разведкаси) бошлиғининг ўринбосари подполковник Войкан Лукичга юборган масала юзасидан мурожаат қилишни таклиф этди.

Сўнгра айбдор Звиерац разведкачи, ҳозирги вақтда қора курсида ўтирган Миодраг Милошевич (Сибирац) блан қандай танишганлиги ҳақида сўзлаб берди. Милошевич Звиерацни ўз ошнаси Слободан Митрович блан таништирган.

Орадан кўп вақт ўтмай Пенезич айбдорни яна ўз ҳузурига чақириб, Звиерацга таниш-билишлари блан суҳбат қилган вақтда ўзини гўё компартиялар Информбюроси резолюцияси тарафдори бўлганлиги учун КНОЮдан бўшатилган киши деб кўрсатишга уруниш тўғрисида кўрсатма берган. Шу блан бирга Пенезич Титони ва Югославия ҳукуматини қандай сўкишга Звиерацни ўргатган.

1949 йил 29 мартда Войкан Лукич айбдорни ўз ҳузурига чақириб, ўша кундаёқ Слободан Митрович ва Миодраг Милошевич блан бирга яширин суратда Булғорияга ўтишни буюрган.

Сўнгра айбдор Звиерац чегарадан қандай вазиятда ўтганликларини судга сўзлаб берди. Югославия жосуслари Булғория территориясига ўтгач, Булғория давлат хавфсизлиги органларига ўзларини Югославия ма'мурлари қувғинидан қочган сиёсий муҳожирлар қилиб кўрсатганлар. Улар 1949 йил 1 майда қамоқдан бўшатилганлар ва Югославия муҳожирлари сифатида Булғорияда яшаганлар.

15 майда айбдор Звиерац илгариданоқ белгиланган вақтда Софиядаги ма'лум жойда Савич блан учрашган. Савич унинг чегарадан қандай ўтганлиги блан қизиқиб, Звиерацдан Булғориядаги югославияли муҳожирларнинг сони, уларнинг нима блан шуғулланганлиги ва бошқалар тўғрисида суриштирган.

— Савич менга,—деди айбдор,—муҳожирлардан кимларни кузатиб туриш ва уларнинг нима блан шуғулланганликларини ўрганиш ҳақида кўрсатма, шунингдек 10 минг лев пул берди.

1 июньда биз Савич блан иккинчи марта учрашдик.

— 15 июньда учинчи марта учрашган вақтда,—деди ўз сўзини давом этдириб айбдор,—мен Савичга югослав сиёсий муҳожирлари органи бўлган «Напред» газетаси чиққанлиги, Булғория халқ армиясига муҳожир офицерлар юборилганлиги ҳақида сўзлаб бердим ва ҳоказо. Бу учрашув вақтида Савич Звиерацга Югославия армия синнинг подполковниги, скупщина депутати, Информбюро тарафдори, илгари Югославиядан Булғорияга қочиб кетган Радомир Андричин ўлдиришни топширган.

— Савич, — деди айбдор,—10 минг лев пул бериб, Булғория халқ армияси ва айниқса авиациясининг қаерда жойлашганлиги, унинг қурол-яроғи ва сони тўғрисида махфий ма'лумотлар тўплашни ва бу ма'лумотларни ўзига топириб туришни таклиф этди, У, менга Пенезичнинг саломини топириб, яқинда менга Югославиянинг ва Югославия халқларининг душманидирлар,